

Дунё маданиятининг ўзаро таъсири ва ривожланишини таржима асарларисиз тасаввур қилиш қийин. Бу – ҳар бир миллий адабиётга дахлдор сўз. Немис шоири Иоганнес Бехер ҳақли равишда таъкидлаганидек, «юксак маданий таржимани яратиш, маълум миллий адабиётнинг бўй-басти, истеъдоди, миллий хусусиятларини намоён этади».

Ўзбекистонда таржиманинг назарий асослари узок йиллар давомида шаклланган, бироқ асосий эътибор бошқа тиллардан ўзбек тилига таржима қилиш масалаларига (хусусан, рус тилидан) қаратилди.

Бугунги кунда эса ўзбек адабиётини бошқа тилларга таржима қилишдек энг долзарб ва муҳим масала турибди. Бу – тасодифий эмас.

Собик социалистик реализм занжирлари, шарт-шароитларидан озод, жамоатчилик фикри ва инсон қалбини тарбиялашда восита ролини ўйнашдан воз кечган ўзбек замонавий адабиёти юксалди, мураккаб, ўзига хос, кенг қўламли бадиий тизимга айланди. Бунда ўз қонуниятлари, ривожланишининг изланиш ва анъаналари, асрлар бўйи яшаб келаётган бебаҳо миллий адабиёт тажрибалари синчиклаб ўрганилган ҳолда, янги миллий, ижтимоий-маданий омиллар, жаҳон маданий жараёнларига мутаносиб муваффақиятларга эришилди.

Қайд этилганларнинг туб негизида ўзбек замонавий хикоячилиги кизиқиш ва унинг кўтарилиш босқичлари кўринади. Барчага маълумки, шубҳасиз, адабий асар маҳсулдорлиги, кадр-киммати нафакат бадиий матнларни шакллантиришга, балки асар моҳиятига қай даражада давр ижтимоий-маданий омилларини сингдиришга ҳам боғлиқ. Бу табиий равишда янги дунёни ҳис қилишни, кадриятлар моҳияти, янги ижтимоий-маданий нукталарни ўзида акс эттиради. Кичик жанр саналишига қарамай, салмоқли ўринга эга хикоячилик ҳамиша долзарблиқ нуктаи назаридан бошқа кенг қўламли насрий жанрлардан олдинда туради.

Замонавий ўзбек хикоячилигида «кенглик ва жанр майдонининг хилма-хиллиги, жанр билан муаллиф эркинлигининг ўзаро гармоник мослашуви характерлидир» (М.Бахтин), дунёқараш ва эстетик мувофиқлашув натижасида глобал янги тараккиёт кийфасини ижтимоий-маданий идрок билан ифодалаш жуда қучли. Ўзбек замонавий хикоячилигининг муаллифлари тарихан шаклланган жанрнинг туб кўринишларини танлаб олишда, чунки улар ижодқорнинг асосий муддаосини ифодалаб беради ёки яратмоқчи бўлган ўзига хос йўлни моделлаштиради.

Янги бадиий тузилма, модел ва шаклларда янги мазмун-моҳият, руҳият қирралари, анъанавий маънавий кадриятларни баҳолаш, янги шахс концепцияси (бутунлиги, қарашлари, фикрлари) йўлида самарали изланишлар ўзбек замонавий хикоячилигининг бадиий тузилмаси, жанр қўламини безайди. Харакат, трансформациялар, анъаналар ва жанр ривожланиш истикболи ўзбек замонавий ёзувчиларининг Саодат Комилова томонидан рус тилига таржима қилинган хикоялари талқинида изчил, ўқишбоп ҳолда «Қўнғимдаги дарё» тўпламида ўқувчилар қўлига бориб етди.

Тўпламга йигирма олтита хикоя қиритилган, улар турли авлодга мансуб, турфа анъаналар ривожини ўз ичига олган ўзбек замонавий хикоячилигининг постсовет даврини акс эттирган адиблар қаламига мансуб. Аввало, мазкур хикоялар анъанавий жанр тузилмасига қўра, ўзбек мумтоз хикоячилигининг энг яхши анъаналарини давом эттириб, юксалтириб келмоқда, зеро, уларнинг томирлари миллийликка бориб такалади. Шунинг баробарида, улар эски усул ва мазмун-моҳиятлардан холи, янги теран

замонавийликни ўзида сингдирган асарлар (Одил Ёкубовнинг «Каердасан, Морико?», «Музкаймок», Хайриддин Султоновнинг «Дунё сирлари», «Тўсик», Мухаммад Алининг «Кулча», Алтаир юлдузи», Хуршид Дўстмухаммаднинг «Кичкирик», «Васий», Собир Ўнарнинг «Ака-укалар», «Тегирмончининг ўгли», Назар Эшонкулнинг «Маймун етаклаган одам», «Бахоуддиннинг кучуги», Абдукаюм Йўлдошевнинг «Алвидо, гўзаллик», «Муаммолар борми?», Зулфия Куролбой кизининг «Аёл», Уйгун Рўзиёвнинг «Тонгда қайтган каптарлар», «Нотинч калб» каби хикоялари).

Тўпламга янги ноанъанавий кўринишга эга ижодий изланишлар, чегараланган ўзига хос жанр намуналаридан ҳам киритилган: хикоя-ўйлар (Исажон Султон – «Сувдаги коса»), хикоя-огохлантириш («Тунги довул»), хикоя-туш кўриш (Улугбек Хамдам – «Бир пиёла сув»), хикоя-икрор («Кўнглимдаги дарё»), хикоя-хаёлий (Зулфия Куролбой кизи – «Икки киёфа»), хикоя-онг оками ёзишмалари (Рахимжон Рахмат – «Миямнинг ичи», хикоя-нохаёлий «Адашвой»).

Бу хикоялар ўқувчини хакконий воқеликнинг айёрони чалқаш вазиятларида ҳам мустикал равишда изланиш, йўл топиш ва муаллифни хис этишга ундайди, хаёлот ва мавжуд хаёт зиддиятларининг энг мухим асосларини ифодалаган хикоячиликнинг янги модели яратилганига гувоҳ бўлади.

Бизнингча, таржимон ўз олдида бош вазифа сифатида, ўзбек хикоясининг русча тугилишини кўришни, шу тахлит у гўё рус тилида илк бор кўз очишини кузатишни кўйган, бироқ ўз ўрнида миллий хусусиятлар, стилистикани саклаб қолган, бузмаган, қандай бўлса, шундай ифодалаган, шаклларнинг бир-бирига ўхшашлигини таъминлаган, фикрлар нутқ воситасида берилганда, аслиятдаги шоироналикни яратиб, янгидан жозоба беришга ҳаракат қилган. Унинг таржимон сифатида ўзига хослиги шундаки, асарлардаги айнан ўхшашлик «қуввати»ни қайтадан ярата олган, асар охангини бадиий матнни шакллантиришда мухим омиллардан, деб санаган.

Икки тилни эркин эгаллаб (ўзбек ва рус), аслиятдаги халқ юрагини нозик хис этиб, миллий тарих, характер, тилнинг нозик жихатларини яхши билган ҳолда, рус тилида уйғунлик ифодасини тополган, жаранглата олган, зарурат тугилганда «ошириб ифодалаш»дан (тиллар тизимининг бир-бирига тушмаган, мос келмаган ҳолатларида) фойдаланган, бироқ аслиятдан узилмаган, унинг миқдорини ҳам бузмасдан, рус тилида аслиятга мос тўлақонли бадиий таржималарни яратишга эришган. Аник таржима матнларининг тахлили шуни кўрсатадики, таржимада айнан ўхшашлик нафакат ташки мувофиқлик, балки ички чуқур мазмун-моҳият, бошқа тил воситалари орқали ифодалаш қобилиятини ҳам намоён этади, бунда аслиятда фойдаланилган бадиий усуллардан чекланмаслик лозим.

«Кўнглимдаги дарё»га киритилган таржималар шундан далолат берадики, таржима жараёни – асар яратишдаги ижодий жараённинг маълум маънода қайтарилишидир. Зеро, таржима масалаларидаги ушбу тушунча таржимани санъат даражасига кўтаришнинг зарурий шарт-шароитлари ҳисобланади.

Таржимон ҳар бир хикояда муаллиф ўй-хаёлларига теран кириб бориб, деталма-детал кўриб чиқиб, тафаккурнинг ўзига хос «сирлари», ҳар бир муаллифнинг тилини тушуниш, дунёни кўриш, бадиий воситаларнинг хилма-хиллиги ва хаётий материалларни акс эттириш усулларини қўллашни уйдалаган, дейиш мумкин. Таржималарда баъзан ўйлаб топилган шева сўзларининг аралашувида йўл қўйилмаган, айти пайтда, таржимон индивидуаллиги муаллиф индивидуаллигига суяниб қолмаган.

Айнан шундай таржималар асарларнинг «маданий майдони»га кириб боришга,

аслиятнинг замон ва макон билан бирлашиб кетишига имконият яратади, ўзбек адабиётини якин ва узоқдаги русийзабон ўқувчилар орасида оммавийлашувини мувофиклаштиради ва шубҳасиз, унинг дунё адабий жараёнларига киришувида ўз таъсирини ўтказади.

Рус тилидан Ойгул Суюндикова таржимаси